

ОЛТИН УЗУККА ҚЎЙИЛГАН ЗУМРАД КЎЗДЕК...

28 апрель куни Қарши шаҳрида замонавий
Сув спорти саройи фойдаланишга топширилди



Қуйидаги QR кодни сканер қилинг ва Сув спорти саройининг фойдаланишга топширилиши тафсилотлари билан ishonch.uz сайтида ҳам танишишигиз мумкин:



>>> 2-3

ЧЕМПИОНЛАР БАЗАСИГА АЙЛАНАДИ

Муротжон АЗИМОВ,
Қашқадарё
вилояти ҳокими,
сенатор



Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан Қарши шаҳрида халқаро талаблар асосида қурилган муҳташам Сув спорти саройи учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Яратилган қулайликлар, нафақат спорт билан шугулланиш, балки халқаро даражадаги мусобақаларни юқори савияда ўтказиш имконини беради.

Спортга қаратилаётган юксак эътибор натижасида ёшларимиз жонажон Ўзбекистонимиз номини, қудратини, нуфузини халқаро майдонда янада оширмоқда. Вилоятимизда ҳам сўнгги йилларда спортни ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия, соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Сув спорти бу – инсон ва сув ўртасидаги уйғунликни ифода этувчи, ҳаракат, эркинлик, гўзаллик мужассам бўлган жисмоний фаолият. Унда сув нафақат муҳит, балки шерикка айланиб, инсонни чидамлилик, жасорат ва

маҳорат синовидан ўтказилади.

Бугунги кунда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари, Касби, Косон, Китоб туманларида замонавий сузиш ҳавзалари аҳолига самарали хизмат кўрсатмоқда. Ўтган йили сузиш бўйича республика ва халқаро мусобақаларда вилоят спортчилари 30 га яқин медалларни қўлга киритишди. Шубҳасиз, янги Сув спорти саройи ютуқлар салмоғини бир неча баробар оширишга хизмат қилади. Мажмуа чемпионлар базасига айланиши учун барча имкониятларни ишга соламыз ва қашқадарёликлар номидан Президентимизга миннатдорлик билдирамыз.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси, Ўзбекистон сув спорти федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқовнинг Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида бунёд этилган Сув спорти саройининг тантанали очилиш маросимидаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, ҳурматли меҳмонлар, қалби дарё қашқадарёликлар!

Бугун барчамиз учун қувончли ва унутилмас кундир. Зотан, биз сизлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев топшириқларига кўра, бунёд этилган навбатдаги муаззам кошона – янги Сув спорти саройи очилишига ҳозир бўлиб турибмиз.

Бу сарой нафақат қадимий Қаршига кўрк, балки орзулар рўёбга чиқадиغان, ғалабалар бошланадиган маскан бўлишига шубҳа йўқ.

Қашқадарё замини қадимдан жаҳон тараққиётида ўчмас из қолдирган Ватан улуғларини – саркардалар, муҳаддислар, давлат арбоблари, шоир ва санъат намояндаларини камолга етказган. Биргина элимизнинг сеvimли шоири Абдулла Орипов ижодий меросининг ўзи ҳам ҳар қандай тарихни юксалтира олади. Биз миллатимизга шундай улуғ сиймоларни тўхфа этган ўлкага доимо таъзимдамыз.

Бу қўҳна замин бир неча цивилизацияларга бешик бўлганини барчамиз яхши биламыз. Унинг тарихи минг йилларни ўз ичига олади. Аммо асрий ўтмишга эга бу ўлка кечмишида қуёшдек порлаб турган бир саҳифа бор – бу, шубҳасиз, Соҳибқирон бобомиз



Амир Темури давридир. Ўз замонида оламини ёритган Темури салтанати зиёси вақтлар ўтиб, сўнгганини ҳам афсуски, яхши биламыз. Бироқ «Оққан дарё оқаверади», деганларидек, буюк бобомиз қалбидаги жасорат матонат, яратув-

чилик қудрати бугун Президентимиз – Янги Ўзбекистонимизнинг шону шавкати, гурури ва ифтихори Шавкат Миромонович Мирзиёев сиймосида қайта бўй кўрсатаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

>>> 2

Назм



Маҳмуд
ТОИР
Ўзбекистон
халқ шоири,
сенатор

СУВ СПОРТИ САРОЙИ

Қашқадарё воҳасидан бир хушхабар таралди, Олтин қўллар санъатидан зўр мўъжиза яралди, Тўрт томони Касабанинг меҳри билан ўралди, Биллур қандил каби я-ял, кўзни олар чиройи, Сув спорти саройи бу, Сув спорти саройи.

Қарши шаҳри асли, дўстлар, Қашқадарё юраги, Шу юракнинг отаида тинчлик нури тилаги, Насафийлар авлодининг ер кўрмаган кураги, Бу бино ҳам улуғларнинг элга қилган дуойи, Сув спорти саройи бу, Сув спорти саройи.

Ўзбекистон ёшларининг йўли сувдек зилолди, Тонги ёруғ, тунларининг чароғони ҳилолди, Бу кун Янги Ўзбекистон – элга янги камолди, Олтин медал бўйидадир, гар ким содиқ фидойи, Сув спорти саройи бу, Сув спорти саройи.

Бу даргоҳдан юрт ёшлари қушдек қанот қоққайди, Кўҳна Аму, кўҳна Сирдек, раvon-равон оққайди, Миллатининг чирогини сув ичра ҳам ёққайди, Ўтинчимиз, ганимлар ҳеч бўлмасинлар савдойи, Оддий спорт саройи бу, Сув спорти саройи.

Биз эзгулик йўлларидан оқиб турган дарёмыз, Бухорийдек, Навоийдек диллар ичра зиёмыз, Кафтингизни очсангиз гар, нияти нур сафоимиз, Ўзбекимнинг дуоси ҳам зам-зам сувдек киройи, Сув спорти саройи бу, Сув спорти саройи.

Етти юзта томошабин – етти мингта орзудир, Спорт деса, Ўзбекистон ер шарига кўзгудир, Бу оқилу одил Сарбон кўксидан ёғдудир, Буюк миллат бошидаги Тангри берган Ҳумойи, Оддий спорт саройи бу, Сув спорти саройи!

ОЛТИН УЗУККА ҚЎЙИЛГАН

28 апрель куни Қарши шаҳрида замонавий Сув спорти

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Ўзбекистон сув спорти федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқовнинг Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида бунёд этилган Сув спорти саройининг тантанали очилиш маросимидаги табрик сўзи

<<< 1

Мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилган бунёдкорлик ишларини дунё тан олмақда, эл маъмурчилиги йўлидаги бу улкан ислохотлар, айнан Соҳибқирон бобомиздан мерос қолган миллатпарвар сиёсатнинг узвий давоми, десак ўйлайманки, барчангиз мени қўллаб-қувватлайсизлар.

Азиз дўстлар!

Бугунги тадбиримизда Бутунжаҳон сузиш федерацияси (World Aquatics) Бюро аъзоси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Шахноза Шавкатовна Мирзиёева иштирок этмоқдалар. Биз бундан гоятда хурсандимиз.

Шунингдек, бугунги маросимимизда Осиё олимпия кенгашининг вице-президенти, Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Отабек Умаров, Ўзбекистон Республикаси спорт вазири Атам Илхомович Иқромов, Халқаро Меҳнат Ташкилоти Меҳнатқашлар фаолияти бўйича бюросининг Европа ва Марказий Осиё шўъбаси мудири Сергюс Гловацкас, Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, хурматли биродаримиз Сотибодил Даулеталин, шунингдек, Тожикистон, Туркменистон, Монголия касаба уюшмалари делегациялари, Сув спорти бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Наталя Лерман хоним, сузиш бўйича икки карра Олимпия ўйинлари совриндори, устоз-мураббий Светлана Бабанина, «Сув париси – 2026» халқаро турнири қатнашчилари – Россия, Беларусь, Қозоғистон давлатларидан маҳоратли сув спорти усталари ҳамда пойтахтимиздан Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, эл-юрт ардоғидаги меҳнат фахрийлари, ёзувчи-шоирлар ва турли соҳанинг етак вакиллари қатнашаётгани бизга катта мамнуният бағишлайди.

Хурматли меҳмонларимизга барчангизнинг номингиздан «Уш келибсизлар», дейишга ижозат бергайсизлар.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги маросимда мамлакатимиз ҳамда Қашқадарё вилоятининг кўпни кўрган оқсоқоллари ҳам иштирок этишмоқда. Замонлар шиддати, азоб-уқубатларини ўз бошидан кечирган бу ватандошларимиз, ўйлайманки, бугунги кунларимиз қадрини бошқалардан кўра теранроқ англайдилар. Зеро, яқин тарихимизда пахта куллиги, болалар меҳнати, оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар заҳмати чеккан бу авлод учун муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаб берган тараққиёт йўли ва халқпарвар сиёсат Яратганининг марҳамати бўлди.

Ахир ўзингиз айтинг, бундан 10 йил олдин юртимиз дунёга очилади, шундай бунёдкорликлар бўлади, бутун бошли янги ва замонавий шаҳарлар қад кўтаради, десаким ишонар эди?

Ҳар бир юртдошимиз бугун Президентимизнинг «Инсон қадри учун» деган ғояси нақадар улғувор яратувчилик қудратига эга эканини чин юракдан ҳис қилаётганига шак-шубҳа йўқ. Зеро, бу қурилишлар, бунёдкорлик ишларининг барчаси инсон бахту саодати, камоли учундир.

Айни вақтда гувоҳи бўлиб турганимиз ушбу иншоотнинг бунёд этилиши ҳам ана

шундай эзгу ва хайрли ишларнинг амалий натижаси, десак ҳақиқатни айтган бўламиз.

Юқорида айтганимиздек, ушбу лойиҳа муаллифи, бош меъмори шахсан Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевдир.

Бундан қарийб икки йил аввал Юртбошимиз пойтахтимизнинг Яққасарой туманида барпо этилган Сув спорти саройи билан танишар эканлар, «**Бундай замонавий шариоитлар фақатгина пойтахтда эмас, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, хусусан, Қашқадарёда ҳам бўлиши керак**», дея қатъий вазифа қўйган эдилар.

Ушбу саройининг қисқа фурсат ичида қуриб битказилишида бизга Президентимизнинг шу сўзлари қанот бўлди.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур лойиҳанинг қиймати қарийб 150 миллиард сўмни ташкил этади. Мажмуа 2 гектар ҳудудни эгаллаган бўлиб, унинг таркибида 50×21 метр ўлчамли сузиш ҳавзаси, 16×16 ўлчамли, 10 метр баландиқдан сувга сакраш учун мўлжалланган ҳавза ва маҳорат машқлари учун қуруқ бассейн, шунингдек, 6×12 метр ўлчамдаги иккита болалар ҳовузи мавжуд. Бундан ташқари, ёпиқ сузиш ҳавзасидан маъмурият, медиа зоналар, фитнес ҳамда йиғилиш заллари ўрин олган.

Инфратузилма доирасида 700 ўринли томошабинлар трибунаси, кенг холл, душ ва кийим алмаштириш хоналари ҳамда ҳамда олиш ҳудудлари ташкил этилди. Мажмуа Хитой, Италия, Испания, Германия ва АҚШ компанияларининг энг замонавий сув филтёрлари, насослари, иситиш ва вентиляция тизимлари билан жиҳозланган.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу саройининг тез фурсатда ва сифатли бунёд этилишида қўмагини аямаган Қашқадарё вилояти ҳокими, хурматли Муроджон Азимовга ва барча вилоят масъуларига, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ҳайдар Фозиллов раҳбарлигидаги етук лойиҳачилари ва қурувчиларига барчангизнинг номингиздан чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

Хурматли тадбир қатнашчилари!

Шу масканда тобланиб, чиниқиб, сув спорти сир-синоатларини пухта эгаллаган ёшларимиз, насиб этса, келгусида Янги Ўзбекистонимиз байроғини дунё ареналарида баланд кўтаришларига ишонамиз!

Азиз дўстлар!

Ватан ва Миллат равнақи йўлида тиним билмай меҳнат қилаётган муҳтарам Юртбошимиз, Янги Ўзбекистон бунёдкори Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг асосий мақсади ҳам шу – навқирон йигит-қизларимизнинг дунёга чиқиши, ҳар бир жабҳада ўз сўзини айтиши, маҳорати ва билимини намоен этиши учун кенг имкониятлар яратиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқаришдан иборат.

Шундай экан, юртни севиш ва унинг равнақи йўлида фидоийлик кўрсатишда ҳар биримизга ибрат бўлаётган Йўлбошимизга барчамизнинг номимиздан мустаҳкам соғлик, эзгу ва масъулиятли фаолиятларида Яратгандан битмас-туганмас куч-қувват тилаймиз!

Миллатимиз етакчиси сизу бизнинг бахтимизга ҳаммаша омон бўлсинлар!

Азиз қашқадарёликлар!

Сизларга халқпарвар Юртбошимизнинг ушбу кутлуг совғаси муборак бўлсин! Эътиборингиз учун раҳмат!



...Қарши шаҳрида янги қурилган Сув спорти саройининг очилиш маросими бошланиш арафасида. Муҳташам иншоот атрофида байрамона кайфият ҳукм сурмоқда. Унинг майдонига турли-туман анвоий гуллар экилган, мевали ва манзаралари дарахт кўчатлари ўтказилган. Ҳудуд ландшафтига меҳр ила алоҳида эътибор берилганини бир қарашдаёқ англаш мумкин. Бу ерда миллионлаб воҳаликларнинг орзу-умидлари, келажакка бўлган метин ишончи барқ уриб тургандек гўё.

Дарҳақиқат, ислохот дегани мана шундай бўлади. Барчаси одамларнинг кўз ўнгига кечди, қалбидаги ҳайратидан акс-садо беради. Ўтган ўн йиллик давр мобайнида халқимиз бундай улғувор ўзгаришларни ўз ҳаётида бот-бот ҳис этмоқда, шиддатли тараққиёт билан ёнма-ён дунёқароши, онгу тафаккури ҳам юксалмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига бўлгани каби сўнгги йилларда Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, катта қувватга эга завод ва фабрикалар, таълим ва тиббиёт муассасалари, янги хизмат кўрсатиш мажмуалари ва минглаб аҳолига ватан бўлаётган кўп қаватли уйлар шулар жумласидандир.

Ислохотлар самараси фақат вилоят маркази – Қарши шаҳри ва унинг атрофи билан чекланиб қолгани йўқ. Чунончи, туманнинг «Мираки» маҳалласи туризм шаҳарчасига айлантирилиб, 200 дан зиёд хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилди. «Майда-нак» баланд тоғ обсерваторияси атрофида хорижий андозалар асосида эко-туризмни ривожлантириш мақсадида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қўқдала тумани ташкил этилиб, комплекслаштирилган замонавий шаҳар барпо этилди.

Эҳ-ҳе, амалга оширилган ислохотларни санасак, адоғига етиб бўлмайди. Очилиш маросимида йиғилиб турганимиз Қарши Сув спорти саройи ҳам ушбу улғувор ишларнинг узвий давомидир.

2024 йил 7 июнь куни пойтахтимиздаги Яққасарой Сув спорти саройининг очилиш маросимида иштирок этган мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишар экан, Қарши шаҳрида ҳам худди шун-

дай халқаро мезонларга жавоб берадиган иншоот қуриш борасида кўрсатма берди. Шундан сўнг Тошкентдаги мазкур муаззам бинонинг андозалари асосида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан олиб борилган қурилиш ишлари натижасида Марказий Осиёда санқли бўлган янги Сув спорти саройи қуриб битказилди.

ИНШООТ ҚУРИЛИШИНИ ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР КАТТА ХУРСАНДЧИЛИК БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИШДИ. САБАБИ, ШУ ВАҚТГАЧА ВИЛОЯТДА БОР-ЙЎҒИ 13 ТА ЁПИҚ СУЗИШ ҲАВЗАСИ МАВЖУД БЎЛИБ, КУНЛИК ҚАМРОВИ КЎПИ БИЛАН 3000 КИШИНИ ТАШКИЛ ЭТАРДИ. БУ 4 МИЛЛИОНЛИК ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ УЧУН КАМЛИК ҚИЛАРДИ, АЛБАТТА.

Рости, вилоятнинг чўл ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини кўп йиллардан буён гигиена-санитария талабларига жавоб берадиган сузиш ҳавзалари етишмаслиги қийнаб келар, бу эҳтиёж, айниқса, ёз жазирасида аяқол сезилиб қоларди. Воҳа ахли янги сув спорти саройи очилишини сабр-сизлик билан кутгани ҳам шундан. Ниҳоят, шу кунлар ҳам етиб келди.

Жаҳон стандартлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган мазкур мажмуанинг тантанали очилиш маросимида Бутунжаҳон сузиш федерацияси (World Aquatics) Бюро аъзоси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Шахноза Мирзиёева, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнатқашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV) Европа ва Марказий Осиё шўъбаси мудири Сергиус Гловацкас, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Мўғулистон касаба уюшмалари раҳбарлигидаги делегациялар вакиллари, «World Aquatics»нинг халқаро тоифадаги ҳаками Наталя Лерман, сузиш бўйича икки карра Олимпия ўйинлари сов-

риндори, устоз-мураббий Светлана Бабанина, «Сув париси – 2026» халқаро турнири қатнашчилари – Россия, Беларусь, Қозоғистон давлатларидан маҳоратли сув спорти усталари ҳамда пойтахтимиздан Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, эл-юрт ардоғидаги меҳнат фахрийлари, ёзувчи-шоирлар, оқсоқоллар ва бошқалар иштирок этдилар.

Меҳмонлар Қарши Сув спорти саройида карнай-сурнай садолари ҳамда фольклор жамоалари чиқишлари билан кутиб олинди. Улар учун павильонларда миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбир кўтаринки руҳда бошланди. Давлатимиз мадҳияси янгради.

Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳанинг бош ташаббускори мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевдир. Очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Ўзбекистон сув спорти федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ўз нутқида ушбу иншоотнинг бунёд этилиши Юртбошимиз томонидан инсон қадрини улғулаш ва манфаатларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли эзгу ва хайрли ишларнинг амалий натижаси эканини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, Қашқадарёдаги ҳар бир ўзгаришда, ҳар бир яратилаётган янги имкониятларда давлатимиз раҳбарининг вилоят аҳолисига бўлган чексиз хурмати, меҳр-муҳаббати акс этган. Халқ манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли эзгу ва хайрли ишларнинг амалий натижаси эканини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, Қашқадарёдаги ҳар бир ўзгаришда, ҳар бир яратилаётган янги имкониятларда давлатимиз раҳбарининг вилоят аҳолисига бўлган чексиз хурмати, меҳр-муҳаббати акс этган. Халқ манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли эзгу ва хайрли ишларнинг амалий натижаси эканини алоҳида таъкидлади.



Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Алишер Навоий

ЗУМРАД КЎЗДЕК...

саройи фойдаланишга топширилди



зумрад кўз қўйгандек ярашиб турибди.

Халқимиз саломатлигини мустақамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда республика-мизда сув спортини янада ривож-лантиришга муносиб ҳисса қўшувчи мазкур мажмуа мукамал лойиҳа-лаштирилган, барча сув спорти му-собақаларини ўтказишга мўлжал-ланган. 2 гектар ҳудудда жойлашган иншоот таркибида 50×21 метр ўл-чамли сузиш ҳавзаси, 16×16 ўлчамли, 10 метр баландликдан сувга сакраш учун мўлжалланган ҳавза ва маҳор-рат машқлари учун қуруқ бассейн, шунингдек, 6×12 метр ўлчамдаги иккита болалар ҳовузи бор. Баланд-ликдан сакраш ҳовузиди асосий 5 та сакраш майдонидан иборат минора мавжуд бўлиб, уларнинг баландлиги 1, 3, 5, 7,5 ва 10 метрни ташкил этади. Бундан ташқари, сакраш учун 7 та трамплин ўрнатилган. Барча спорт ускуналари Америка Қўшма Штат-ларидан келтирилган. Шунингдек, ёпик сузиш ҳавзаси, маъмурият, ме-диа зоналар, фитнес ҳамда йиғилиш заллари ҳам барпо этилган. Инфра-тузилма доирасида 700 ўринли то-мошабинлар трибунаси, кенг холл, ювиниш ва кийим алмаштириш хо-налари ва дам олиш худудлари таш-кил этилди. Ертўла қисмида сув ҳав-залари учун асосий муҳандислик тизимлари – сувни тозалаш филь-трлари, насос агрегатлари, иситиш ай-ланмалари ҳамда вентиляция уску-налари ўрнатилган.

Вентиляция тизими 3 та йирик тоза ҳаво етказиб берувчи ускуналар билан жиҳозланган. Уларнинг умий қуввати соатига 90 минг куб метр тоза ҳаво етказиб бериш имкония-тига эга. Барча ускуна ва жиҳозлар дунёнинг етакчи, ишончли ва машҳур ишлаб чиқариш компаниялари томо-нидан тайёрланган ва замонавий те-хнологиялар талабларига тўлиқ жавоб беради.

таъминлашдек эзгу ғоя мужассам. Маълумки, кейинги йилларда Прези-дентимиз қашқадарёликлар орасида юрак-қон томир, қон босими кўта-рилиши, ортиқча вазн тўплаш билан боғлиқ муаммолар кўпайиб бораётганини бот-бот таъкидлаб келади. Су-зиш билан шуғулланиш эса қатор ка-салликларга қарши курашишда сама-рали воситадир.

Тиббий қўлланмаларда ёзили-шича, сувда машқ қилиш юракни бақувват қилади, қон айланишини ях-шилади ва қон босимини меъёрда ушлашга ёрдам беради. Қолаверса, су-зиш нафас олиш тизимини барқарор-лаштиради, ўпка ҳажмини ошириб, кислород билан таъминлашни яхши-лайди. Ортиқча вазндан халос қилади. Шунингдек, сув спорти билан шуғул-ланиш инсонни руҳий чиниқтиради, турли тушқунлик ҳолатларидан олиб чиқади, иммунитетни кучайтиради. Болаларнинг қоматини тўғри ривож-лантиради, умуртқа ва бўлим касал-ликларининг олдини олади.

Очилиш маросимида Ўзбекистон ка-саба уюшмалари Федерацияси раиси, Ўзбекистон сув спорти федерацияси ра-иси Қудратилла Рафиқов, Бутунжаҳон сузиш федерацияси (World Aquatics) Бюро аъзоси, Ўзбекистон Миллий пара-лимпия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Шаҳноза Мирзиёева, Қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимов, «World Aquatics»нинг халқаро тоифадаги ҳаками Наталя Лерман, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, сиёсатшунос, академик Акмал Саидов, эркин журналист Исмаил Хушевлар сўзга чиқиди. Шу аснода ушбу замонавий сув спорти саройида бўлажак чемпи-онлар тарбияланиши, улар мамлака-тимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтаришини ният қилишди. Ҳақиқатан ҳам, шундай улкан мажмуа қурилганидан кейин моҳир сузувчи-

лар ҳам чиқиши керак-да.

Шу ўринда табиий бир савол туғи-лади: 150 миллиард сўмга яқин маб-лаг йўналтирилиб барпо этилган ушбу Сув спорти саройи эртага ку-тилган натижа берадими? У мамлака-тимизда сув спорти ривожланишига муҳим ҳисса қўшадими? Албатта, қў-шадим! Чунки бу йўналиш Ўзбеки-стонда синовдан ўтган. Бундан 7 йил аввал Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Наманганда «Океан» Сув спорти саройи, 2024 йилда эса Тош-кент шаҳрида Якка-сарой Сув спорти саройи фойда-ланишга топ-ширилган эди. Бугун уларда тар-бияланган спортчилар халқаро му-собақаларда ўзларини на-мойиш этиб келишмоқда. Биргина На-манган вилояти-даги Сув спорти саройидан айни пайтда 12 нафар спортчи Миллий терма жамоа таркибида иштирок этамоқда. Республика ва халқаро май-донларда юртимиз нуфузини муносиб ҳимоя қилиб, олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритишмоқда. Яккасарой Сув спорти саройидан ҳам шундай натижаларни кутишга тўла-тўқис асос бор. Хусусан, айни пайтда у ерда сузиш бўйича 7 нафар мураб-бий 137 нафар шуғулланувчи спортчи, синхрон сузиш бўйича 2 нафар мураб-бий 10 нафар шуғулланувчи спортчи, сувга сакраш бўйича 3 нафар мураб-бий 21 нафар шуғулланувчи спортчи машгулотларда фаол қатнашмоқда. Очилиш маросимида иштирок эт-

ган делегатлар янги мажмуада яра-тилган шарт-шароитлар билан яқин-дан танишишди. Тадбир давомида синхрон сузиш бўйича «Сув париси – 2026» очик халқаро турнири ғолибларининг чиқишлари намойиш этилди.

Шундан сўнг 25-27 апрель кунлари пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган синхрон сузиш бўйича «Сув па-риси – 2026» очик халқаро турнири ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Мусобақаларда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган спортчилар муносиб рағбатлантирилди.

Мажмуада яра-тилган шарт-ша-роитларни кўз-дан кечирар эканмиз, бе-ихтиёр Прези-дентимиз-нинг куйидаги фикрлари ёди-мизга тушди: «Қашқадарёда амалга оширишни режа-лаштирган ишлари-миз қўлми кенг. Ле-кин бугунги шиддатли ўзгаришлар замони биздан янада кўпроқ изланишни тақозо эта-япти. Белини маҳкам боғлаб ишга ки-ришсак, биз ололмайдиган марра, биз забт эта олмайдиган довоннинг ўзи йўқ. Амир Темурдек буюк аждодимиз-дан жасорат, матонат, бағрикенглик каби фазилатларни мерос қилиб ол-ган меҳнатсевар, самимий ва омма-ноб Қашқадарё аҳли билан олдими-зга қўйган катта-катта марраларга ал-батта эришамиз. Аминманки, қашқа-дарёликлар барча ислохотларимиз-нинг олдинги сафида бўлади».

Баҳоидир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Дил сўзи



Абдусайд КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон
Миллий ахборот
агентлиги (ЎЗА)
Бош директори,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси,
сенатор

ҚАШҚАДАРЁДАДИР, ҚАШҚАДАРЁДА

Ҳозирги шуқуҳли лаҳзаларда ардоқли устозимиз Аб-дулла Орипов ёдимга тушиб турибди. Агар у киши айни дамда қаватимизда бўлганида эди, ўзлари айтганларидек, ожизгина гавдаси билан бургутдек қанот кериб, қаддини қоядек роз тутиб, шеърлар тўқиб юборган бўлур эдилар.

Дедилар: – Ўн йилда юз йиллик йўлни
Кимлар шон-шараф-ла ўтдилар босиб?
Жавоб бердиларки: – Гуллатмоқ чўлни
Темурбек наслига бўлмоқда насиб.

Дедилар: – Жаҳонда тенгсиз Сувсарой
Қайси маконда бор, қайси маъвода?
Жавоб бердиларки: – Бундай сулув жой
Қашқадарёдадир, Қашқадарёда.

Дедилар: – Ким эрур бу ишларга бош,
Жаҳонга нур сочар ўзбек кўёши?
Жавоб бердиларки: – Барига бош-қош
Оқил Юртбошидир, зукко Юртбоши.

Дедилар: – Оламга кўрсатиб кучинг,
Яна қандай жаҳду азм қилгайсан?
Жавоб бердиларки: – Барчаси учун,
Эгилиб, халқимга таъзим қилгайман.

Ҳа, бугун бунёдкор халқимизга, бунёдкор халқимиз-нинг элпарвар Карвонбошисига хар қанча таъзимлар қил-сак арзийди.

Андозаси йўқ, муқобили йўқ, кўркам ва муҳташам сарой қашқадарёликларга муборак бўлсин!

ЮКСАК ДИД ВА МАДАНИЯТ БИЛАН ҚУРИЛГАН



Мирзожоддин
МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раисининг
биринчи ўринбосари:

– Ҳаёлимдан шундай фикрлар ўтапти: Ўзбекистон ёшлари учун яқин йилларда бирорта спорт тури қолмай-дики, улар энг юксак довларни забт этолмасе. Негаки, Президентимиз хар бир соҳада энг замонавий талабларга жавоб берадиган, юксак дид ва маданият уйғунлашган ана шундай иншоотларни куриб бераптилар. Бокс, шахмат, кураш ва футболда эришган ютуқларимиз қаторида сув спортида ҳам юксак натижаларни қўлга киритишимизга ишончим комил.

ЭРТАДАН СУЗИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАМАН



Феруза ЖЎРАҚУЛОВА,
Ўзбекистон болалар
ташкилотининг
Қашқадарё вилоятидаги
«Ustoz AI» йўналиши
сардори:

– Олдинлари телевизор орқали болаларнинг, тенгдошларимнинг сузиш билан шуғулланаётганларини кўриб, роса ҳавас қилардим. Ёш қизларнинг жа-моа бўлиб, синхрон сузиш мусобақаларида қатнаша-ётганига ҳавас қилардим. Улардек бўлгим келарди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан қурилган Сув спорти саройида туриб, ўзимга бўлган ишончим ортди. Машгулотларга қатнашишни мақсад қилдим. Бу имко-ниятлардан биз ёшлар жуда мамнунмиз ва Президенти-миздан миннатдоримиз.

Қувончбек ТЎРАЕВ, Эъзоза УМУРЗОҚОВА ҳамда ЎЗА олган суратлар

УШБУ МАСКАНДА ИШҚИВОЗ-ЛАР БИР ЖОЙНИНГ ЎЗИДА УЗОҚ МАСОФАГА СУЗИШ, СУВ ПОЛОСИ ВА БАЛАНДЛИҚДАН САКРАШ МАШҚЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН. ЭНГ МУҲИМИ, ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАР АСОСИДА БАРПО ЭТИЛГАН СУВ СПОРТИ САРОЙИ ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТОБЛАНИШ ЧИНИҚИШИ, СОҲА СИР-СИНОАТЛАРИНИ ПУХТА ЭҒАЛ-ЛАШИ, КЕЛГУСИДА ЭСА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ БАЙ-РОҒИНИ ДУНЁ АРЕНАЛАРИДА БАЛАНД КЎТАРИШЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Бундай йирик сув спорти маж-мусининг Тошкентдан кейин Қашқа-дарёда қурилишида ҳам инсон қа-дрини улуглаш, унинг саломатлигини



ИНСОН ҚАДРИ – УСТУВОР ТАМОЙИЛ

соғлом психологик-ижтимоий меҳнат муҳити яратиш йўлидаги мулоқот майдони



Ахборот оқимининг ўта жадаллашиши ва чегара билмай ўсиши, меҳнат шаклларининг ўзгариши аниқ соҳада салмоқли ютуқларга эришиш билан бир қаторда ўзига хос муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, ҳозирги пайтда топшириқларни жойларга етказиш муаммо эмас, бунинг учун сониялар етарли. Ўз навбатида, ўша сониялар иш ҳажмини ҳам ошириб, жараёнларни янада тезлаштириб юбормоқда. Баъзида эса иш ҳажмининг ортиши ва рақобат муҳитининг кучайиши, айрим ҳолларда раҳбарлик тажрибаси етишмаслиги ишчиларнинг дам олиш ва меҳнат фаолияти меъёрлари бузилишига сабаб бўлмоқда. Оқибатда одамлар ҳаётидагина эмас, иш жойларида ҳам қатор муаммолар юзага чиқмоқда. Зеро, руҳий зўриқиш, психологик босим, таъйиқ ва зўравонлик каби тушунчалар эндиликда тез-тез учраётгани бежиз эмас.

28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни муносабати билан мамлакатимизда «Меҳнатни муҳофаза қилиш» ҳафталиги ўтказилмоқда. Унинг доира-сида яқинда Тошкент шаҳридаги «Chinobod Plaza» санаторийсининг анжуманлар залида «Соғлом психологик-ижтимоий иш муҳити таъминлайлик» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик, Халқаро меҳнат ташкилоти, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда давлат органлари, парламент вакиллари, халқаро ташкилотлар, хорижий экспертлар, йирик корхоналар, илмий муассасалар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этидилар.

Тадбирда меҳнат бозорининг энг муҳим масалаларини камраб олган куйидаги йўналишлар бўйича муҳокамалар олиб борилди: психологик-ижтимоий хавфларнинг глобал тенденциялари; миллий сиёсат ва институционал механизмлар; меҳнат соҳасида зўравонлик ва таъйиқнинг олдини олиш; илгор амалиётлар ва самарали ечимлар.

Конференциянинг биринчи сессиясида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари Раъно Турдибоева, Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерациясидан Отабек Ашуров ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев сўзга чиқиб, мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, пайдо бўлаётган янги хавфлар ва уларга қарши курашнинг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

– Бугунги кунда раҳбар билан ходимнинг бир-бирини тушунмаслиги ёки соғлом иш муҳитини таъминлаб беролмаслик каби ҳолатлар ишчилар орасида стресс вазиятларни келтириб чиқараётгани баъйини ҳақиқат, – деди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари Раъно Турдибоева. – Модомики, мамлакатимизда инсон қадрини устувор экан, бутунги халқаро конференцияда ҳам иш жойларида ва жамоаларда соғлом психологик меҳнат муҳитини таъминлаш

асосий мақсадимиз бўлиши керак, деган гояни илгари сурмоқдамиз. Шунингдек, тадбирда меҳнат қонунчилиги ва муҳофазаси йўналишида фидойилик билан ишлаган, жойларда назорат олиб бориб, соҳада бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ўз ҳис-сасини қўшиб келатган бир гуруҳ соҳа вакиллари ҳам «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши мутахассис», «Энг яхши иш берувчи» каби номинациялар бўйича тақдирладик. Чунки сўнгги йилларда бу соҳа мамлакатимизда анча ривожланди, оёққа турди. Эндиликда иш жойларида вужудга келатган хавфларни олдиндан аниқлаб, уларнинг оқибатлари билан эмас, сабаблари билан курашишимиз лозим. Рағбат ва эътироф ибрат кўрсатган вакиллари янада фаоллик кўрсатишга, ўз ишига муҳаббати ошишига туртки бўлади.

Шундан сўнг Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат инспекцияси ва меҳнат хавфсизлиги ҳамда соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Жоаким Пинтаду Нунешнинг конференция иштирокчиларига видеоурожаати намойиш этилди. Унда мутахассис бир йилда руҳий босим ва зўриқиш таъсирида дунё бўйича 840 минг нафар ишчи-ҳодим ҳалок бўлаётганини, аксариятида юрак-қон томи касалликлари аниқланганини ташвиш билан таъкидлади. Унинг айтишича, меҳнат бозорига юз бераётган кескин ўзгаришлар, рақамлашув ва иш юкларини ортиси қасаба уюшмалари ва бандлик тизими олдида мутлақо янги вазибаларни қўймоқда. Жумладан, қасаба уюшмалари нафақат ходимларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга, балки уларнинг руҳий саломатлиги ва иш жойидаги психологик барқарорликни таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратишлари лозим. Бандликни таъминлашга масъул ташкилотлар эса янги иш ўринлари яратиш билан бирга, меҳнат жамоаларида инсон учун хавфсиз ва соғлом муҳитни шакллантиришни устувор вазифа сифатида белгилашлари керак.

Мутахассиснинг алоҳида таъкидлашича, психологик-ижтимоий муаммолар ортиб бораётгани замонавий меҳнат муносабатла-

рининг энг долзарб қақриқларидан бири. Уларни камайитириш учун иш жойларида очиқ мулоқот муҳитини яратиш, раҳбарлар ва ходимлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш, стрессни бошқариш дастурларини жорий этиш ҳамда ҳар қандай таъйиқ ва зўравонликка нисбатан «ноль тоқат» сиёсатини амалга ошириш зарур.

Конференцияда халқаро амалиётда самара берган механизмлар ҳақида ҳам сўз юритилиб, иш жойларида хавфларни олдиндан аниқлаш, ходимларни доимий ўқитиш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимларини кучайтириш муҳимлиги ўқтирилди. Анжуман давомида эса меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида юқори натижаларга эришган мутахассислар ва ташкилотлар тақдирланди. Бу соҳага инновацион ёндашувларни жорий этиш ва иш жойларида инсон омилига эътиборни кучайтиришни янги босқичга олиб чиқиш учун хизмат қилади.

Конференция жараёнида мутахассислар томонидан иш жойларида соғлом психологик муҳитни таъминлаш бўйича қатор муҳим тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Хусусан, ходимлар иш жараёнида таъйиқ ёки руҳий босимга дуч келганда, бу ҳақда бемалол мурожаат қилиши мумкин бўлган «Ишонч телефонлари», аноним шикоят тизимлари ва бошқа мустақил механизмларни жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Халқаро меҳнат ташкилоти вакили Ўзге Бербер Агташ қатор давлатларда, жумладан, Германия, Туркия, Франция, Дания, Грузия ва Қирғизистонда иш жойидаги зўравонлик ва таъйиқ ҳолатларига нисбатан фақат маъмурий эмас, балки жинсий жавобгарлик чоралари ҳам қўлланилаётганини эслатиб ўтди. Жисмоний таъйиқ, жинсий таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларига нисбатан қатъий ҳуқуқий чоралар белгилангани уларнинг олдини олишда самара бераётганини эътироф этди.

Умуман олганда, анжуманда илгари суртилган тақлифлар ва илгор ёндашувлар иш жойларида инсон қадрини улуғлаш, ходимларнинг руҳий ва жисмоний саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда меҳнат муносабатларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Конференция турли мамлакатлар, хусусан, Корея, Туркия каби давлат вакиллари билан янада қизикарли кечди ва тажриба алмашиш учун муҳим мулоқот платформасига айланди.

Конференция муҳокамалари муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусидаги фикрларга бой ўтди, шу билан бирликти, муҳим тажриба алмашишга хизмат қилди.

Зебо НАМАЗОВА
«ISHONCH»
Мирнодир МИРАҚМАЛОВ олган суратлар.

Сўз – конференция иштирокчиларига



Гўхан ТУНЖАЙ,
Туркия Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазириликнинг эксперти:

– Бугунги тадбир соҳадаги янгиликлар билан таъйиқда, ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этди. Бизда иш жойларидаги таъйиқ ва руҳий зўравонликка қарши курашишга оид 6331-сонли қонун қабул қилин-

ган. У орқали ҳар қандай хавфни аниқлаш механизми йўлга қўйилган. Агар ишчи руҳий босим ўтказилаётган, жисмоний ёки жинсий зўравонлик қилинаётган бўлса, унинг хавфи ва зарари баҳоланади. Шунинг учун асосан ўрта ва кичик бизнес таш-

килотларнинг 99 фоизи аниқ шу масала билан шуғулланувчи махсус штатлар ташкил этилган. Эндиликда уларни бошқа корхона ва жамоаларда ҳам очиб талаб қилинмоқда. Сабаби, Туркияда жисмоний зўравонлик, руҳий босим ўтказиш ҳолатлари катта ва жиддий муаммо бўлмаса-да, Президент даражасида эътибор қаратилаётган соҳадир.

Эзу мақсадимиз ва тилғимиз ишга соғлом келган ходим кечқурун уйига ҳам эсон-омон борсин.



Ан Ми СОНГ,
Корея Меҳнатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими:

– Конференция давр руҳига монанд мавзунини муҳофаза марказига олиб чиқди. Дарҳақиқат, бугун рақамли иқтисодиёт дунё миқёсида ривожланмоқда. Шу билан бирга, талаб муаммолар ҳам келиб чиқяпти. Масалан, пандемия пайтида ишчи-ҳодимлар масофадан туриб ишлаш тизимига ўтди. Бу меҳнат бозорига янги бандлик кўриниши тарзида кириб келди. Бироқ эндиликда шундай муаммолар пайдо бўлаётгани туфайли масофавий ишловчиларга кўп топшириқлар берилмоқда, кечқурун иш вақти тугатган бўлишига қарамай, раҳбарнинг буйруғини ба-жариб ўтиради.

Бундай муаммолар Кореяда ҳам кўп кузатиляпти. Оқибатда ходимлар орасида суицид ёки ишдан ҳафсаласи пир бўлиш, касбига қизиқиш йўқолиши каби ҳолатлар кузатиляпти. Шу боис мамлакатимизда унга қарши «Soft» тизими ишлаб чиқилган. У руҳий босимга учраб, ҳалок бўлган қизнинг номи билан аталган.

Ушбу тизимга кўра, агар иш жойларида, ўқув муассасаларида руҳий таъйиқ, зўравонлик ва босим, жинсий таъйиқ бўлаётгани ҳақида хабар тушса, аввало, зарар баҳоланади ва жарланган шахсга компенсация тўланади. Агар зарар миқдори катта бўлса, прокуратура текшируви белгиланади ва жинсий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.



Нодира ГОЙБНАЗАРОВА,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири:

– Иш жойидаги соғлом психологик-ижтимоий муҳитни таъминлаш нафақат ижтимоий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Халқаро тақлифлардан аён бўлишича, ходимлар

руҳий саломатлигига киритилган ҳар бир сармоя юқори самара билан қайтади. Урғучи ҳисобда бундай инвестиция ҳар 1 доллар учун 4 долларгача фойда келтиради.

Иш жойларида рақамли



Шукрулло МАВЛОНОВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазириликнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош давлат техник инспектори:

ган натижага эришишни таъминлай олмайди.

Ўзбекистонда ҳам айни йўналишда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. 2025 йилги 706-сонли қарорига мувофиқ, Давлат меҳнат инспекциясига иш жараёнида таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш ваколатлари берилди. Шунингдек, 2025 йилги

819-сонли қарорга биноан, иш берувчилар зиммасига ходимларга нисбатан таъйиқ ва зўравонликка йўл қўймаслик, маъзур ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ички тартиб таъйиқларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича аниқ мажбуриятлар юклатилди. Бу миллий меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Замира Суянова ижросида

«ДУҒОХ ХУСАЙНИ»

Қай кунки бўлди бу кўнгиш ҳуснингни воласи,
Шу кун ёзилди севгининг лавҳи висоласи.
Раҳм этки, ул азиз кўнгиш ҳар кеча қийналур,
Тортарга асло қолмади оҳи ила ноласи.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVA, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira GOYBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENAYK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 668-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulnurbegim ODASHBOYEVA

Musahhir:
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti: – 22:40
Topshirildi: – 23:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmasxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 230 ta
Shundan: 6 558 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 471 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmasxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmasxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-411**

1 2 3 4 5 6